

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҶОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНинг
ҚАРОРИ

**147 «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тӯғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
ўзгартиришлар киритиш тӯғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
26 марта рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 1840-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва раҷобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тӯғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тӯплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва раҷобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тӯғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тӯплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва раҷобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тӯғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тӯплами, 2008 й., 31-32-сон, 307-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раиси

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 5 март,
01/27-26/09-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тӯплами, 2014 й.

147-модда

— 54 —

13 (617)-сон

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2014 йил 5 марта
01/27-26/09-сон қарорига
ИЛОВА

**«Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимада «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси»
деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополия-
дан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар
 билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

2-банндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш дав-
лат қўмитаси (кейинги ўринларда матнда Давлат мулки қўмитаси деб юри-
тилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,
монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (ке-
йинги ўринларда матнда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади)» деган
сўзлар билан алмаштирилсин;

3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 14, 16, 21, 22, 24, 25, 26, 27, 31, 33, 34, 36, 37, 38,
39, 40, 45, 49, 50, 51 ва 52-бандлардаги «Давлат мулки қўмитаси», «Давлат
мулки қўмитасига», «Давлат мулки қўмитасида» ва «Давлат мулки қўмита-
сининг» деган сўзлар тегишлича «Давлат рақобат қўмитаси», «Давлат рақо-
бат қўмитасига», «Давлат рақобат қўмитасида» ва «Давлат рақобат қўмита-
сининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат
қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-илова мазкур ўзгартиришларга иловага мувофиқ таҳрирда баён этил-
син.

13 (617)-сон

— 55 —

147-модда

«Баҳоловчи малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳакида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси герби

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси**

**БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА
СЕРТИФИКАТИ
-ракам**

Фотосурат
ўрни

Тошкент ш.

20 ____ й. «____» _____

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан

(кимга — баҳоловчининг Ф.И.О.)

(паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган баҳолаш ташкилоти номидан
мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Давлат рақобат қўмитаси раиси
(раис ўринбосари) _____ М.Ў.

Баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиш муддати:

20 ____ й. «____» _____ дан 20 ____ й. «____» _____ гача узайтирилган.

Имзо _____ М.Ў.

20 ____ й. «____» _____ дан 20 ____ й. «____» _____ гача узайтирилган.

Имзо _____ М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.